



XALQ DEPUTATLARI BOG'OT TUMAN KENGASHI QARORI

2021 - yil 19 - noyabr

VI-56-77-12-170-K/21

Bog'ot tuman hokimligi

Туманда камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли дастур ижроси, шунингдек ташқи қарз ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг бажарилиши тўғрисида.

Туманда 2021 йилда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ЈСА маблағлари ҳисобига қиймати 42885 минг АҚШ долларилек 25 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган бўлиб шундан:

- 29177 минг АҚШ доллари ЈСА кредит маблағлари ҳисобига амалга оширилади;
- 3-чорак давомида қиймати 24379 минг АҚШ долларилек 13 та лойиҳа амалга оширилган, шундан 16591 минг АҚШ доллари ЈСА кредит маблағлари ҳисобига амалга оширилган;
- Жумладан 12 та Замонавий типдаги иссиқхона ва 1 та совуткичли сиғим ташкил қилиш лойиҳаси натижасида янгидан 354 та ишчи ўрни яратилган.

Кун тартибидаги масалани атрофлича муҳокама қилиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

Қ А Р О Р К И Л А Д И:

1. Туманда камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли дастур ижроси, шунингдек ташқи қарз ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг бажарилиши тўғрисидаги масала юзасидан туман ҳокимининг ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи Н.Қаландаровнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари С.Қурбонов ҳамда туман ҳокимининг ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи Н.Қаландаровга:

- инвестициялар орқали, биринчи навбатда, иқтисодиёт тармоқларига илғор технологияларни жорий қилиш, юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

- инвестиция лойиҳаларини тизимли мониторинг қилиш ҳамда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларига жалб қилинган инвестициялар самарадорлигини аниқ мезонлар асосида баҳолаш механизмларини назарда тутиш;

- истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш юзасидан лойиҳа ташаббускорларига ҳар томонлама кўмаклашиш, шунингдек, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун салоҳиятли маҳаллий ва хорижий

инвесторларни жалб қилиш бўйича ишларни тизимли ташкил этиш топширилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи (Н.Қаландаров) ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссияси раиси (Б.Машарипова) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси



Ш.Яхшибаев